

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНING ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

Махмудов Турсунпулат Давронович

Термиз давлат университети таянч докторанти

[*tursunpulat3070@gmail.com*](mailto:tursunpulat3070@gmail.com)

Аннотация: Мақолада Сурхондарё вилоятида аҳоли жон бошига тўғри келган соҳа ва тармоқлар ҳажми, улар асосида ҳудудларнинг ривожланиш даражаси таҳлил қилинган. Шунингдек, ушбу таҳлилларга таянган ҳолда вилоятни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: ялпи ҳудудий маҳсулот; саноат; қишлоқ хўжалиги; хизматлар соҳаси; меҳнат; инвестиция.

Маълумки, кейинги йилларда Сурхондарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ижобий натижаларга эга бўлмоқда. Шунингдек, унинг соҳа ва тармоқлари ҳам ўсиш жараёнини акс эттирмоқда. Сурхондарё вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ўрганиш жараёнида, ЯҲМнинг ўсиш суръати 2010-2022 йилларда ўртача 6,7 фоизга тенг бўлганлигини гувоҳи бўлдик [1-2]. Шунингдек, вилоятнинг соҳа ҳамда тармоқларини иқтисодий-статистик таҳлили амалга оширилганда, қишлоқ хўжалиги тармоғи 2010-2022 йилларда ўртача 4,8 фоизга ўсганлиги аниқланди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги тармоғи каби қолган соҳалар ҳам умумий иқтисодиёт каби ўзгариш тенденцияларига эга эканлиги маълум бўлди. Жумладан, саноатнинг ўртача ўсиш суръати 6,4 фоиз, қурилишнинг ушбу кўрсаткичи 17,6 фоиз, хизматлар соҳаси эса 7,2 фоизга тенг. Шунингдек, мазкур кўрсаткичлар ҳам охириги йиллардаги тегишли соҳа ва тармоқларнинг ўсиш суръати қийматларидан юқори ҳолат қайд этилмоқда.

Умумий ҳолда минтақа иқтисодиёти ва унинг тармоқларида ижобий ўсиш суръатлари аниқланди. Шунини алоҳида таъкидлашимизки, ижобий ўсиш билан

минтақа иқтисодиёти ривожланишига тўлиқ баҳо бериш имконияти мавжуд эмас. Бунинг учун иқтисодиётнинг таркибий тузилишига, ундаги устувор соҳа ва тармоқларни аниқлашга эътибор қаратиш лозим. Фикримизча, устувор соҳага қараб, минтақанинг келгусида ривожланиши учун таклифлар ишлаб чиқиш зарурати туғилади. Шу боис, Сурхондарё вилоятининг ЯХМ кўрсаткичининг таркибий тузилишининг ўзига хос хусусиятлари ўрганиб чиқилди. Хусусан, 2010-2022 йиллардаги тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати улуши ўртача 97,4 фоизга тенглиги, мазкур кўрсаткични йиллар кесимида баҳолаганда ҳам ўртача қийматларга яқин ҳолатда эканлиги аниқланди. Шунингдек, маҳсулотларга соф солиқлар улуши ўртача 2,6 фоизга тенг. Қишлоқ хўжалигининг ялпи тармоқлардаги улуши эса тадқиқот даврида ўртача 49,4 фоизга тенг бўлмоқда. Шу билан бирга, унинг тармоқлар ялпи қўшилган қийматдаги улуши 2010 йилдаги 46,3 фоиздан тебранувчи тенденцияга эга бўлиб, 2022 йилда 47,7 фоизга тенг бўлган. Саноат ва қурилиш тармоқларининг ялпи қўшилган қийматдаги улушларининг ўртача кўрсаткичи мос равишда 6,6 фоиз ва 6,3 фоизларга тенг. Шундай бўлсада, уларнинг тегишли кўрсаткичлари 2010 йилга нисбатан 2022 йилда ўсувчи ҳолатга эга бўлмоқда.

1-жадвал

Сурхондарё вилоятида яратилган ялпи ҳудудий маҳсулотдаги соҳа ва тармоқларнинг улуши¹, (жамига нисбатан фоизда)

¹ Муаллиф томонидан тузилган.

Кўрсаткич номи	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	Ўртача
1. ЯХМ, жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
<i>шу жумладан:</i>														
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	96,7	97,9	97,7	97,7	98,0	97,8	97,6	97,4	97,2	96,0	97,2	97,7	97,4	97,4
Махсулотларга соф солиқлар	3,3	2,1	2,3	2,3	2,0	2,2	2,4	2,6	2,8	4,0	2,8	2,3	2,6	2,6
2. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	96,7	97,9	97,7	97,7	98,0	97,8	97,6	97,4	97,2	96,0	97,2	97,7	97,4	97,4
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	46,3	55,2	53,7	49,3	49,3	49,4	49,0	52,4	50,8	49,9	48,5	47,6	47,7	49,9
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	11,7	9,7	10,2	11,7	12,4	12,3	12,9	11,9	13,6	14,5	15,6	16,0	15,2	12,9
саноат	6,7	5,5	6,1	6,7	6,9	6,7	7,1	6,1	6,6	6,5	7,0	7,3	6,9	6,6
қурилиш	5,0	4,2	4,1	4,9	5,5	5,6	5,8	5,8	6,9	8,0	8,6	8,7	8,3	6,3
Хизматлар	41,9	35,1	36,1	39,1	38,4	38,3	38,0	35,7	35,7	35,6	35,9	36,4	37,1	37,2
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	6,4	5,4	5,7	6,5	6,8	6,8	8,5	8,5	9,7	8,3	8,2	8,3	8,8	7,5
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	7,1	6,0	6,6	7,4	7,0	7,6	5,7	5,6	4,6	4,4	4,2	4,4	4,6	5,8
бошқа хизмат тармоқлари	28,5	23,7	23,8	25,2	24,5	23,9	23,8	21,7	21,4	23,0	23,5	23,7	23,7	23,9

Тегишли кўрсаткичлар саноатда 2010 йилдаги 6,7 фоиздан 2022 йилда 6,9 фоизга, қурилишда эса мазкур даврда 5,0 фоиздан 8,3 фоизга ўсган. Хизматлар соҳасининг тегишли кўрсаткичлари 2010 йилдаги 41,9 фоиздан қисқариб бориб, 2022 йилда 37 фоиз бўлган ҳамда ўртача 37,2 фоизни ташкил қилган (1-жадвал).

Демак, юқоридагилар асосида хулоса қилсак, минтақанинг иқтисодий ривожланиши аграр иқтисодиёт турини акс эттирмоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётдаги улуши хизматлардан 1,3 марта, саноатга нисбатан 7,6 марта, қурилишга нисбатан 7,9 марта юқори. Бу эса, минтақада мавжуд хом ашё ресурсларини ҳисобга олиб, саноатнинг қазиб олиш ва қайта ишлаш, озиқ-овқат ҳамда тўқимачилик соҳаларини ривожлантиришга эътибор қаратишни талаб этмоқда. Мазкур тармоқларни ривожлантиришда айниқса, инвестиция омилини соҳа ва тармоқлар кесимида жалб қилиш ҳамда тақсимлашни оптимал тартибга солиш зарур. Яъни, ушбу йўналишдаги тармоқлар учун йўналтирилган тўғридан-тўғри инвестициялар қатори давлат бюджети маблағларини ҳам кенгайтиришимиз зарур. Давлат бюджети маблағлари инфратузилмани ривожлантириш учун мақсадли манба ҳисобланади. Юқоридагилар натижасида саноат тармоғи кенгайди

хамда хизматлар соҳаси кўлами ўсади. Бир сўз билан айтганимизда, иқтисодиётда самарадорлиги нисбатан юқори соҳа ва тармоқлар улуши ортади. Мазкур йўналишдаги тадқиқотларни амалга оширишда корреляцион-регрессион таҳлил ҳам олиб борилди. Унга кўра Сурхондарё вилояти иқтисодиётида яратилган ЯХМ билан хизматлар (0,802), қишлоқ хўжалиги (0,617), саноат (0,481), қурилиш (0,574), меҳнат ресурслари (0,728) ижобий корреляция коэффициентларига эга бўлди (1-жадвал). Шунингдек, хизматлар соҳасини таркибий тармоқлари ҳам ижобий боғлиқликка эга бўлди. 1-жадвалдаги корреляцион коэффициентлар асосида хулоса қилсак, минтақа иқтисодиёти реал сектор тармоқларига нисбатан кучсиз боғлиқликни ифода этмоқда. Хизматлар соҳаси ва унинг тармоқларига эса юқори боғлиқлик тўғри келди.

1-жадвал

Сурхондарё вилоятида яратилган ЯХМ ва унга таъсир қилувчи омилларнинг корреляцион боғлиқлиги²

Кўрсаткич номи	У	X2	X3	X4	X5	X6	X7	X8	X9	X10	X11	X12	X13
У	1												
X 2	0,999	1											
X 3	0,752	0,727	1										
X 4	0,617	0,633	0,133	1									
X 5	0,601	0,580	0,809	-0,062	1								
X 6	0,481	0,475	0,492	0,059	0,544	1							
X 7	0,574	0,553	0,774	-0,022	0,949	0,265	1						
X 8	0,802	0,797	0,727	0,114	0,548	0,454	0,500	1					
X 9	0,582	0,567	0,772	-0,071	0,451	0,273	0,451	0,863	1				
X 10	0,756	0,763	0,440	0,338	0,437	0,348	0,419	0,740	0,449	1			
X 11	0,766	0,771	0,477	0,241	0,497	0,562	0,391	0,828	0,472	0,649	1		
X 12	0,728	0,732	0,539	0,517	0,445	0,097	0,524	0,547	0,499	0,503	0,433	1	
X 13	-0,373	-0,377	-0,133	-0,541	0,124	-0,423	0,244	-0,143	-0,013	-0,385	-0,139	0,118	1

Изоҳ:

Омил номи	ЯХМнинг ўсиш суръати	Тармоқлар яши кўшилган қиёбатнинг ўсиш суръати	Мақсулотларга соф солишнинг ўсиш суръати	Қишлоқ ўрмон ва боғчилик хўжалигининг ўсиш суръати	Саноат (қурилиш қишлоқ хўжалиги)	Саноатнинг ўсиш суръати	Қурилишнинг ўсиш суръати	Хизматларнинг ўсиш суръати	Савдо, яшил ва омакдаш буйича хизматларнинг ўсиш суръати	Ташин ва саклаш, ахборот ва алоқанинг ўсиш суръати	Бошқа хизмат тармоқларининг ўсиш суръати	Меҳнат ресурсларининг ўсиш суръати	Инвестициянинг ўсиш суръати
Белгиси	У	X 2	X 3	X 4	X 5	X 6	X 7	X 8	X 9	X 10	X 11	X 12	X 13

² Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тўлдирилган.

Демак, минтақада иқтисодий салоҳиятни ошириш, унинг инвестиция жозибadorлигини ривожлантиришда саноат, қурилиш каби тармоқларни ҳам кенгайтиришимиз талаб этилади. Шу боис, уларнинг иқтисодиётга омилли таъсирини ҳам алоҳида баҳоланди. Жумладан, иқтисодиёт ривожланишига тармоқлар таъсирини омилли баҳолашда регрессион тенглама тузилди:

$$YaHM_t = a_1 QX_t + a_2 SAN_t + a_3 QUR_t + a_4 XIZ_t + \varepsilon_t \quad (1)$$

Бунда: $YaHM_t$ – минтақада яратилган ЯХМнинг ўсиш суръати;

QX_t – минтақадаги қишлоқ хўжалигининг ўсиш суръати;

SAN_t – минтақадаги саноатнинг ўсиш суръати;

QUR_t – минтақадаги қурилишнинг ўсиш суръати;

XIZ_t – хизматларнинг ўсиш суръати;

$a_1, a_2, a_3, a_4, \varepsilon_t$ – эмпирик тадқиқотлар асосида олинадиган коэффициентлар.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида тармоқларнинг барчаси ижобий таъсирга эгаллигини аниқладик. Шундай бўлсада, қишлоқ хўжалиги (0,504) ҳамда хизматлар (0,351) юқори таъсирчанлик коэффициентиغا, саноат (0,103) ва қурилиш (0,062) нисбатан кучсиз таъсирчанликка эга бўлди:

$$YaHM_t = 0,504 * QX_t + 0,103 * SAN_t + 0,062 * QUR_t + 0,351 * XIZ_t - 1,943 \quad (2)$$

Соҳа ва тармоқлар интенсивлик таъсирчанлигини баҳоланди. Бунинг учун олинган регрессия коэффициентларининг йиғиндиси аниқланди ва унинг қиймати 1,02 га тенг эканлиги маълум бўлди. Бу эса, иқтисодиётда соҳалар таъсирчанлиги 1 дан юқори бўлсада, нисбатан самарадорлиги паст тармоқларнинг ҳиссаси юқорилигини ифодаламакда. Шу боис, минтақада саноат улушини оширишга, қишлоқ хўжалиги соҳасини капиталлашув даражасини оширишга эътибор қаратишни талаб қилади. Яъни, инновацион иқтисодиёт ривожланишини баҳолашимиз лозим. Мазкур жараён ишчи кучининг қобилияти ва техника тараққиёти билан боғлиқ. Шу боис, минтақа иқтисодиётига меҳнат ва инвестиция омили таъсирини ҳам алоҳида баҳоланди:

$$YaHM_t = b_1MEH_t + b_2INV_t + \gamma_t \quad (3)$$

Бунда: MEH_t – минтақадаги меҳнат ресурсларининг ўсиш суръати;

INV_t – минтақадаги инвестицияларнинг ўсиш суръати;

b_1, b_2, γ_t – эмпирик тадқиқотлар асосида олинадиган коэффициентлар.

Амалга оширилган тадқиқотларимиз орқали қуйидаги регрессия тенгламасини ҳосил қилдик:

$$YaHM_t = 1,773 * MEH_t - 0,048 * INV_t - 68,2 \quad (2.4)$$

Олинган регрессия коэффициентларини ифодалашича, меҳнат ресурсларининг 1 фоизга ўсиши ЯҲМнинг 1,77 фоизга оширмоқда. Инвестициялар эса, ЯҲМ ўсиши билан кучсиз тесқари боғлиқликка эга бўлмоқда. Бу эса, инвестицияларни иқтисодиётга ижобий таъсирини таъминлаш учун тармоқлар ҳамда ҳудудлар кесимида жалб қилишни ҳамда тақсимлашни тартибга солишни талаб қилади. Демак, эконометрик тадқиқотларимиз асосида олинган регрессия коэффициентларининг умумий таъсирчанлик даражаси 1,725 бирлик бўлиб, меҳнат омилининг интенсивлигидан далолат беради. Иқтисодиётда капитал интенсивлик ўзгариши нисбатан секин юз бераётган бўлсада, ишчи кучининг иқтисодий ўсишга таъсири юқори бўлмоқда. Шунингдек, иқтисодиётда қишлоқ хўжалиги ва хизматларнинг таъсири юқори эканлигини тадқиқотларимиз орқали аниқладик. Шундай бўлсада, мазкур тармоқлар саноат ва қурилишга нисбатан самарадорлиги пастлигича қолмоқда. Бу эса, иқтисодиётда қишлоқ хўжалиги ва хизматларнинг улуши 80 фоиздан ортиқлигини эътиборга олсак, минтақада умумий самарадорлик пастлигини ифодалайди. Айниқса, самарадорлик даражаси инвестициялар кўламига ҳам салбий таъсир қилмоқда. Шу билан бирга, инвестицияларни соҳа ва тармоқлар кесимида тақсимланишини таҳлил қилганимизда юқори салмоққа саноат ҳамда хизматлар эга бўлмоқда. Бу эса, иқтисодиётда энг катта улушга эга қишлоқ хўжалигида инвестициялар етарлича йўналтирилмаганлигини ифодалайди. Ҳудду шу йўналишдаги муаммолар ҳудудлар кесимида ҳам мавжуд. Шу боис, минтақада инвестицияларни тармоқ ва ҳудудлар кесимида жалб этишни оптимал

тартибга солишни талаб этмоқда. Бунда қуйидаги чора-тадбирларни минтақанинг хусусиятларини ҳисобга олиб таклиф қиламиз:

- қишлоқ хўжалиги тармоғига йўналтирилган инвестицияларни кенгайтириш;
- саноатнинг қазиб олиш тармоқлари каби қайта ишлаш ва озиқ-овқат ҳамда тўқимачилик тармоқларига йўналтирилган инвестициялар кўламини ошириш;
- хизматлар соҳасининг самарадорлиги юқори тармоқларига инвестиция жалб қилиш;
- ҳудудларда қишлоқ хўжалиги тармоғини етакчилигини эътиборга олиб, агрологистика ва инфратузилмани давлат-хусусий шерикчилик асосида ривожлантириш;
- ҳудудлар кесимида инвестиция жалб қилишда табиий ресурсларга бой туманлар қатори бошқа туманларга ҳам ҳудудлараро лойиҳалар учун инвестицияларни амалга оширишга қаратилган давлат дастурларини ишлаб чиқишга эътибор қаратиш лозим.

Умумий ҳолда, минтақада инвестиция жозибадорлиги ҳамда салоҳияти ортади ҳамда инвестицияларни жалб этиш кўлами кенгайди. Бунда, инвестицияларнинг соҳа ва тармоқлар ҳамда минтақанинг шаҳар ва туманлари кесимида тақсимлашнинг оптимал бозор механизмлари шаклланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Махмудов Т.Д. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ундан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш йўллари/ Хоразм Маъмун Академияси ахборотномаси. 2023 йил №4 (2), 158-164 бетлар.
2. Махмудов Т.Д. Инвестицияларни жалб этишнинг минтақавий хусусиятлари ва илмий-назарий асослари/ Ўзбекистон ахборот агентлиги электрон журнали. 2023 йил, октябрь, №10 (48), 49-58 бетлар.